

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-ИЛ ЧИКИШИ
№ 254 (2287).
23
ДЕКАБРЬ
ЯКШАНБА
1962 ЙИЛ
БАХОСИ
2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг IX сессияси 22 декабрда республика Олий Советининг мажлислар залида ўз иштини давом эттирди.

Олий Советнинг учинчи мажлиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат М. М. МУСАХОНОВ раислигида очилди.

Мажлисда кун тартибидagi дастлабки икки масала — «Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1963 йилги давлат плани тўғрисида» ва «Ўзбекистон ССРнинг 1963 йилги Давлат бюджетни тўғрисида» ва Ўзбекистон ССРнинг 1961 йилги давлат бюджетининг бажарилиши ҳақида»ги масалалар юзасидан мунозаралар давом этди.

Мунозараларда депутат К. ЕҒУБЖОНОВ (432-Денов қишлоқ сайлов округи) ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат Р. ҚУРБОНОВ (161-Қудаш сайлов округи) қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети «Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1963 йилги Давлат плани тўғрисида»ги Қонунни бир овоздан қабул қилди.

«Ўзбекистон ССРнинг 1963 йилги Давлат бюджетни тўғрисида»ги Қонун ва республиканинг 1961 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақидаги қарор ҳам бир овоздан қабул қилинди.

Шундан кейин сессия кун тартибида турган учинчи масалани муҳонама қилишга ўтиб, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министри депутат И. В. СТРЕЛЬЦОВНИНГ «Республикада йўл нурилишини тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги докладини тинглади.

Шу докладни муҳонама қилишда депутат С. А. ТОШҚУЛОВ (323-Сармижон сайлов округи), Қорақалпоғистон АССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министри М. И. ИСАКОВ, депутат Р. Д. ИСЛОМОВА

(273-Наттақўрғон сайлов округи), депутат В. М. РОМАНОВСКИЙ (59-Уртасарой сайлов округи), депутат М. ПАРПИЕВ (183-Қатортеп сайлов округи) иштирок қилдилар.

Олий Совет мунозаралар тамом бўлгандан кейин «Республикада йўл нурилишини тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорни бир овоздан қабул қилди.

Сессия тасдиқланган кун тартибига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг составига қисман ўзгариш киритиш тўғрисидаги масалани қараб чиқди.

Олий Совет депутат Ш. Р. РАШИДОВНИНГ таклифига биноан, депутат Ф. Е. ТИТОВ республика территориясидан бошқа жойга кетганлиги муносабати билан уни республика Олий Совети Президиуми аъзоллиги вазифасидан озод қилди ва депутат В. А. КАРЛОВНИ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси қилиб сайлади.

Депутат И. В. БАБОНОВНИНГ таклифига биноан, Олий Совет депутат М. МАҲСУМОВНИ бир овоздан Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси қилиб сайлади.

Сессия кун тартибида турган олтинчи масалани — «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги масалани қараб чиқишга ўтиб, бу ҳақда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат Р. САХИБОВНИНГ докладини эшитди.

Олий Совет республика Олий Советининг VIII ва IX сессиялари ўртасидаги даврда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қабул қилган Фармонларни бир овоздан тасдиқлади ва шу муносабат билан бир қанча Қонунлар ва қарорлар қабул қилди.

Бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг IX сессияси шу билан ўз иштини тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING

Қ О Н У Н И

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1963 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тайёрланган Ўзбекистон ССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1963 йилги Давлат плани Ўзбекистон ССР Олий Советининг Бюджет комиссияси қиритган тузатишлар билан бирга маъқуллансин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1963 йилги Давлат плани юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг ҳу-

досаларида баён қилинган таклифлар ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисларида депутатлар томонидан киритилган таклифлар ва мулоҳазаларни қараб чиқиш ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш тоширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВ.

Тошкент шаҳри,
1962 йил, 22 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING

Қ О Н У Н И

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING 1963 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

1-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тақдим этилган Ўзбекистон ССРнинг 1963 йилги Давлат бюджетни Бюджет комиссиясининг доклад юзасидан қабул қилинган ўзгаришлар билан бирга, даромадлар бўйича 1.391.110 миң сўм миқдорда ва харажатлар бўйича 1.389.034 миң сўм миқдорда, даромадлар харажатлардан 2076 миң сўм ортқ қилиб тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1963 йилги Давлат бюджетни давлат ва кооператив корхоналаридан ҳамда ташкилотлардан олинadigan даромадларнинг — оборот солиғи, фойдалардан ажратмалар, даромад солиғи ва социалистик хўжаликдан келадиган бошқа тушумларнинг умумий суммаси 1.259.590 миң сўм миқдорда белгилансин.

3-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1963 йилги Давлат бюджетда халқ хўжалигини — оғир саноатни, қурилиш индустриясини, энгил ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалигини, транспортни, уй-жой-коммуна хўжалигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ялада ривожлантиришга маблаг билан таъминлаш учун бўладиган харажатларнинг умумий суммаси 596.263 миң сўм миқдорда белгилансин.

4-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1963 йилги Давлат бюджетда социал-маданий тадбирларга — умумий таълим мактаблари, техникумлар, олий ўқув юрталари, илмий тадқиқот муассасалари, профессионал-техника ўқув юрталари, кутубхоналар, клублар, театрлар, матбуот, радио эшиткиришга ҳамда маориф ва маданият соҳасидаги бошқа тадбирларга: касалхоналар, болалар яслилари, санаторийлар, соғлиқни сақлаш ва физкультура соҳасидаги бошқа муассасаларга; пенсия ва нафақаларга ажратиладиган маблағларнинг умумий суммаси 718.519 миң сўм миқдорда белгилансин.

5-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1963 йилги Давлат бюджетда давлат ҳокимият органларини, давлат идора органларини ва халқ судларини таъминлаш учун ажратиладиган маблағлар суммаси 26.674 миң сўм миқдорда белгилансин.

6-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1963 йилги республика бюджетни даромадлар бўйича 827.496 миң сўм миқдорда ва харажатлар бўйича 825.420 миң сўм миқдорда, даромадлар харажатлардан 2076 миң сўм миқдорда ортқ қилиб тасдиқлансин.

7-модда. Тошкент шаҳри, областлар ва Қорақалпоғистон АССРнинг 1963 йилги бюджетлари даромадлар ва харажатлар бўйича 563.614 миң сўм миқдорда белгилансин, шу жумладан:

миң сўм ҳисобида	миң сўм ҳисобида
Тошкент шаҳри бюджети	111831
Тошкент области бюджети	85674
Фарғона области бюджети	61912
Андижон области бюджети	70962
Самарқанд области бюджети	69308
Бухоро области бюджети	38825
Сурхондарё области бюджети	55884
Хоразм области бюджети	23778
Қорақалпоғистон АССР бюджети	45440

8-модда. Умумийтелефон давлат солиқлари ва даромадларидан Тошкент шаҳри, областлар ва Қорақалпоғистон АССР бюджетларига ажратмалар 1963 йил учун қуйдаги миқдорларда тасдиқлансин: а) оборот солиғи тушумларидан: Тошкент шаҳрига 19,9 процент, Тошкент областига 100 процент, Фарғона областига 34,8 процент, Андижон областига 39,5 процент, Самарқанд областига 33,4 процент, Бухоро областига 36,8 процент, Сурхондарё областига 68,1 процент, Хоразм областига 31,8 процент ва Қорақалпоғистон АССРга 100 процент;

б) қолхозлардан олинadigan даромад солиғидан: Тошкент, Самарқанд областларига ва Қорақалпоғистон АССРга — 100 процент, Фарғона областига — 80 процент, Сурхондарё областига — 75 процент, Андижон, Бухоро ва Хоразм областларига — 60 процент; в) аҳолидан олинadigan даромад солиғидан: Тошкент области-

га, Қорақалпоғистон АССРга 100 процент, Хоразм областига — 80 процент, Сурхондарё областига — 60 процент, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро областларига — 50 процент, Андижон областига — 40 процент, Тошкент шаҳрига — 10 процент.

г) қишлоқ хўжалик солиғидан, ССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва кам оналик граждaнларидан олинadigan солиқдан, ўрмонлардан келадиган даромадлардан ва пул-буюм лoтeрeялари тушумларидан — 100 процент.

9-модда. Ўзбекистон ССРнинг халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1963 йилги давлат планида қўзда тутилган тадбирларни маблаг билан таъминлаш учун 1963 йилда Ўзбекистон ССР республика бюджетни маблагларидан Қорақалпоғистон АССР давлат бюджетига 1.253 миң сўм ва Тошкент область маҳаллий бюджетига — 259 миң сўм миқдорда маблагла ажратилсин.

10-модда. Ўзбекистон ССРнинг республика бюджетни бўйича бюджет маблагларининг 1964 йил 1 январига ўтадиган қолдиқлари 18000 миң сўм миқдорда тасдиқлансин.

11-модда. Тошкент шаҳри, областлар ва Қорақалпоғистон АССР бюджетлари бўйича бюджет маблагларининг 1964 йил 1 январига ўтадиган қолдиқлари 20400 миң сўм миқдорда белгилансин, шу жумладан:

миң сўм ҳисобида	миң сўм ҳисобида
Тошкент шаҳри	3.300
Тошкент области	3.200
Фарғона области	2.200
Андижон области	2.800
Самарқанд области	2.600
Бухоро области	1.500
Сурхондарё области	2.100
Хоразм области	1.000
Қорақалпоғистон АССР	1.700

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВ.

Тошкент шаҳри,
1962 йил, 22 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ

Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1961 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИ- СИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССРнинг 1961 йилги Давлат бюджетни даромадлар бўйича 1.290.705 миң сўм миқдорда ва харажатлар бўйича 1.271.255 миң сўм миқдорда, даромадлар харажатлардан 19450 миң сўм миқдорда ошириб бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВ.

Тошкент шаҳри,
1962 йил, 22 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING

Қ О Н У Н И

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН
ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИ ҚОНУНИ)НИНГ 48, 50
ВА 51-МОДДАЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

1-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қуйдаги Фармонлари тасдиқлансин:

«Ўзбекистон ССР Ички ишлар республика министрлигини Ўзбекистон ССР Ҳамоат тартибини сақлаш республика министрлигига айлантириш тўғрисида»ги 1962 йил 7 сентябрь Фармони;

«Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш Иттифоқ-республика министрлигини тузиш тўғрисида»ги 1962 йил 13 ноябрь Фармони;

«Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Давлат контроли комиссиясини тузатиш тўғрисида»ги 1962 йил 21 декабрь Фармони.

2-модда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Партия-давлат контроли комитетини тузиш тўғрисида»ги 1962 йил 20 декабрда чиқарган қарори маъқуллансин.

3-модда. Ўзбекистон ССР Конституциясининг 48, 50 ва 51-моддаларига зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, бу моддалар қуйдагича баён қилинсин:

«48-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан қуйдаги составда тузилади:

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси;
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўрин-

босарлари;
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари;

Ўзбекистон ССР министрлари;
Ўзбекистон ССР Давлат план комиссиясининг раиси;

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Партия-давлат контроли комитетининг раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Илмий тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитетининг раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Профессонал-техника таълими Давлат комитетининг раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитетининг раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Қурилиш ва архитектура ишлари Давлат комитетининг раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик техникаси, запас қисмлар, минерал ўғитлар ва бошқа моддий-техника воситаларини сотиш, қолхозлар ва совхозларда машиналарни ремонт қилиш ва улардан фойдаланишни таъкид этиш билан шуғуллаланадиган республика бирлашмаси («Усельхозтехника»)нинг раиси.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси лавозими бўйича Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составига киреда».

«50-модда. Ўзбекистон ССРнинг қуйдаги министрликлари итти-фоқ-республика министрликларидир:

Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги;
Соғлиқни сақлаш министрлиги;

Ташқи ишлар министрлиги;
Маданият министрлиги;

Мудофаа министрлиги;
Алоқа министрлиги;

Қишлоқ хўжалиги министрлиги;
Молия министрлиги;

Энергетика ва электрлаштириш министрлиги».

«51-модда. Ўзбекистон ССРнинг қуйдаги министрликлари республика министрликларидир:

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги;
Сув хўжалиги министрлиги;

Коммунал хўжалик министрлиги;
Ҳамоат тартибини сақлаш министрлиги;

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари еттиштириш ва тайёрлаш министрлиги;

Маориф министрлиги;
Социал таъминот министрлиги;

Қурилиш министрлиги;
Савдо министрлиги».

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВ.

Тошкент шаҳри, 1962 йил 22 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қиладилар:

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Партия-давлат контроли комитети тузилин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМ-ЎЗБЕКИСТОН ССР
ПАРТИЯСИ МАРКА-ОЛИЙ СОВЕТИ
ЗИЙ КОМИТЕТИ ПРЕЗИДИУМИ МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ.

Тошкент шаҳри, 1962 йил 20 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ

Қ А Р О Р И

ЎРТОҚ Ф. Е. ТИТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ВАЗИФАСИДАН
ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади:

Ўртоқ Федор Егорович Титов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВ.

Тошкент шаҳри, 1962 йил 22 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ

Қ А Р О Р И

ЎРТОҚ В. А. КАРЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади:

Ўртоқ Владимир Алексеевич Карлов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси қилиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВ.

Тошкент шаҳри, 1962 йил 22 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ

Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ

ЎРТОҚ М. М. МУСАХОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОННИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Мирзамаҳмуд Мирзаарахмонович Мусахоновни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Партия-давлат контроли комитетининг раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1962 йил 21 декабрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВ

Партия ва ҳукумат раҳбарларининг 1962 йил 17 декабрда адабиёт
ва санъат арбоблари билан бўлган учрашувида
КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СЕКРЕТАРИ Л. Ф. ИЛЬЧЕВ НУТҚИ

Ўтган совет кишининг туги
 гиния «фидолашга» инти
 миз, деб даъво қилдилар.

Рус аёлининг покизали
 гўзаллиги хусусида шун
 еракики, бизга ёт мода
 қувган кишининг нақадар
 ниликка бориб етганлиги
 қилмоқ учун абстракцион
 инги ажи-бужиларига бир
 солишнинг ўзи нифол қ
 «Қидиришларга» келганда,
 тракционистларга айтоқчи
 дан сўзимиз шу: сизлар қид
 таннинг йўқ, балки би
 думшанларимиз сизларни
 одиллар ва ўзларига эргаш
 лар, улар коммунистик и
 гиния ҳужумлар қилмоқ
 сизларнинг формалистик «а
 рингиз»дан восянда сифатда
 даланишга уримоқдалар. Б
 нарсаларини фақат ёш форм
 ларгина эмас, уларнинг ҳим
 лари ва илҳомчилари ҳам
 ўйлаб кўрсалар анзийди.

